ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 4-йил чиқиши
АВГУСТ 1969 й.
ЧОРШАНБА
№ 182 (946)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ШАҲРИМИЗНИНГ БИР КУНИ

◆ Қишлоқ—шаҳарга

ЁЗ НЕЪМАТИ

Бугун

Республиканинг турли областларидан шаҳримиз бозорларига ёз ноз-неъматлари ҳар куни тонналаб келиб турибди.

Андижон области миришкорлари 22 тонна қовун-тарвуз, пойтахт области сабзавоткорлари эса 37 тоннадан кўпроқ дала ширинликларини шаҳар бозорларига жўнатишди.

ЛЕНИН ВА ФАН

Бугун

Республика Фанлар академияси илмий-текшириш институтларининг бир гуруҳ олимлари шаҳримизнинг турли корхоналарида бўлишиб, жаҳон пролетариатининг доҳийси «В. И. Ленин ва фан» деган темада лекциялар ўқишди.

Айниқса олимлардан Т. Эргашев, А. Акрамов, Р. Раззоқовларнинг «Узбексельмаш» заводида бўлиб, мазкур темада ўқиган лекцияси ишчиларда катта таассурот қолдирди.

ДАЛА НОЗУ-НЕЪМАТЛАРИ ШАҲАРЛИКЛАРГА

КЎРИК ОЛДИДАН

ЗАВОД ДОРИЛАРИ МОНГОЛИЯДА

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

ДЎСТЛИК ҚУШИҚЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

САВДО ХОДИМЛАРИ ОТРЯДИ



Пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросида янги пахтачилик машиналари яратиш устида самарали ишлар олиб борилянти.

СУРАТДА: етакчи конструктор А. Фролов [чапда] ва конструктор В. Ковалёв янги трактор деталлари устида ишламоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

РАЙКОМ ПЛЕНУМИ

Кеча

Октябрь район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Тошкент область партия комитетининг иши тўғрисидаги қарори ва район партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Пленум қатнашчилари шу масала юзасидан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразоқовнинг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Пленум кўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ

Бугун

Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан «Социализм» маҳалласида янги медпункт очилди. Янги медпунктни район соғлиқни сақлаш бўлими мудири С. Мирхўжаев очар экан, жамоатчилик асосида ишлайдиган бу шифохона районда ўн тўққизинчи бўлиб рўйхатга олинганини таъкидлади. Шифохонада маҳалла врачлари навбатчилик қилишади, кишиларнинг соғлигига ҳамиша кўз-қулоқ бўлишади.

◆ *Беш йилликнинг зарбдор одимлари*

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

«Юлдуз» фирмаси коллективи тайёрлаётган бежирим кийим-кечаклар харидорларга манзур. Буни ҳис этган чеварлар ғайрат кўрсатиб ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Фирма чеварлари июль ойининг ўзидаги-на планга қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилган бўлсалар, 7 ой ичида пландан ташқари 1 миллион 191 минг сўмлик маҳсулотни харидорларга тортиқ қилдилар.

Улар СССР Енгил саноат ходимлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада иккинчи марта ғолиб чиқдилар. Шу йилнинг 1 кварталида «Юлдуз» чеварлари СССР Енгил саноат министрлиги ва енгил саноат ходимлари касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил Байроғини олган эдилар.

Бундан руҳланиб ишлаган ишчилар иккинчи квартал топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича яхши якунлаб, байроқни иккинчи марта ўз қўлларида сақлаб қолишди.

Куни-кеча ана шу байроқни иккинчи марта фирма коллективига топширишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Байроқни фирма директори Х. Абдуллаева қабул қилиб олди.

Тантанада сўзга чиққан чеварлар бундан кейин ҳам зўр ғайрат билан ишлаш, В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига муносиб совғалар тайёрлашга сўз беришди. Голибларга СССР Енгил саноат министрлигининг 27 минг сўм ҳажмдаги пул мукофоти ҳам беришади.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КЕНГАШИ

Тошкентда 5 августда меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини янада кучайтириш масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитети томонидан чақирилган республикалараро кенгаш очилди.

Кенгашда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари ва Марказий Комитетлар пропаганда ҳамда агитация бўлимларининг мудирлари, шу республикалар комсомол Марказий Комитетларининг секретарлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, пропагандистлар ҳамда лекторлар, матбуот, радио ва телевидение ходимлари, армия сиёсий ходимлари, армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият республика ва область комитетларининг вакиллари, шунингдек Тошкент шаҳри идеология актини қатнашмоқда. (ЎзТАГ).

◆ Тошкент—жаҳонга

КОЛХОЗ АПТЕКАЛАРИ МОНГОЛИЯДА

Бағри кенг Монголия мамлакатимизда «эгарли диёр» сифатида танилгандир. Ҳа, Монголия Халқ Республикаси чорвачилик соҳаси билан жаҳонда энг машҳур мамлакатлардан бири. Чорвачилик бўлгандан кейин албатта, ўлканинг кенг яйловлари, бепоён даштлари бўлади. Бу ерларда улар олиб юрадиган юк ниҳоятда енгил, айни бир пайтда ихчам бўлиши керак. Буни ҳисобга олган Тошкент химия-фармацевтика заводи коллективи экспорт буюмларни ҳам ихчам қилиб тайёрлашмоқда.

Бугун

завод маркази қўйилган колхоз аптекаларининг иккинчи партияси Монголияга жўнатилди. Бу колхоз аптекаларининг ҳар бирига 30 га яқин турли хил дори-дармон жойлаштирилган.

Шу маҳсулотнинг биринчи партияси Монголия Халқ Республикасига ўтган ой жўнатилган эди.



Коммунист Х. Турсунов 26 йилдирки, Тошкент каравот заводида самарали меҳнат қилиб келяпти. Йигирувчи-слесарь шу кунларда пенинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топшириқларини анча ошириб адо этмоқда.

◆ ЕЗ УТМОҚДА СОЗ

КЎРИК ТАРАДДУДИ

Бугун

Сўлим ва оромгоҳ «Тошкент денгизи»да «Нептун» пионер лагери жойлашган. Бу лагерда Ҳамза, Куйбишев ва Фрунзе районларидан борган 360 қизил галстуклилар учинчи сменада кўнгилли ҳордиқ чиқаришмоқда.

пионерлар 20 августда бўладиган шаҳар пионерлари куй ва қўшиқлари кўригига тайёргарлик кўришни бошлаб юборишди.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

КУТУБХОНА ФИЛИАЛИ

Чиғатой дарвозада жойлашган кутубхона маҳалла аҳлининг энг севимли даргоҳи ҳисобланади. Бу билим масканида 10 мингдан ортиқ турли илмий ва адабий китоблар бор. Кун сайин кутубхона ўқувчилари кўпаймоқда.

Кутубхонада жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленинга бағишлаб «Ленин доимо тирик» деган ҳар ойда адабий кеча ўтказилиб турилади.

Кеча

кутубхонада янги фотостенд очилди. Бу фотостенд ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган.

Бугун

«Октябрь 50 йиллиги» ва «Правда» маҳаллалари меҳнаткашларига яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда билим масканининг филиали ишлай бошлади.

◆

ЁШ САВДО ХОДИМЛАРИ

Тошкент профессионал савдо билим юртини битирган бир группа йигит-қизлар

Бугун

турли савдо ташкилотларида ишлаш учун йўлланма олдилар.

Шунингдек, шаҳар совет савдоси техникумини битирган 60 савдо ходими эса республика область савдо тармоқларида ишлаш учун жўнаб кетишди.

ВЬЕТНАМ ФОНДИГА

Бугун

МАМЛАКАТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ВЬЕТНАМЛИК ЁШЛАРДАН 13 СТУДЕНТ РАДИОДЕТАЛЬ ЗАВОДИДА ИШ БОШЛАШДИ.

Улар заводда ўн беш кун меҳнат қилишиб, жамғарилган пулни ўз озодлиги учун курашаётган Жанубий Вьетнамдаги ватандошларига жўнатадилар.

ЧЕТ ЭЛ ЖУРНАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси чет элларда чиқадиган кўпгина илмий журналларни олиб туради. Германия Демократик Республикасида нашр этилаётган журналлар ҳам кутубхона фондидан ўрин олмоқда.

«Физика ютуқлари», «Неорганик химия» каби илмий журналларнинг кейинги йилларда чиқан сонларини бу ердан олиб ўқиш мумкин.

Бугун

Польшадаги Ягеллон университетидан «Иқтисодий фикр», «Табиат» номли журналлар кутубхонага келди.

Кутубхона шу йилдан бошлаб Покистон, Лотин Америкаси давлатлари билан китоб ва журналлар айирбошлашни кенг йўлга қўяди.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Ўзбекистон кўчасидаги янги кўпқаватли кўринишлар.

САНИТАРИЯДАН САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Санитар - врачларнинг аҳоли ўртасида юқумли касалликлар, ошқозон-ичак буйруғи тўғрисида катта тушунтириш ишлари олиб бориши самарали натижалар беряпти. Яқинда Октябрь район санитария маориф уйи ташаббуси билан «Зарбдор» ва Ленин номли маҳаллаларда 9-поликлиника врачлари иштирокида санитария савол-жавоб кечаси бўлиб ўтди.

Район санитария маориф уйи ходимлари бундай савол-жавоб кечаларини маҳаллаларда тез-тез ўтказиб туришни планлаштирдик. Яқинда Свердлов номли маҳаллада шундай кеча ўтказилади.

Об-ҲАВО БУГУН

кечаси 20—22, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Бугун

Ҳамза район «Билим» жамияти ходимлари ташаббуси билан 1-уй-созлик комбинатида «Тошкент — қурилишлар, ободончилик шаҳри» мавзуида кеча ўтказилди.

Кеча қатнашчиларига шаҳар «Билим» жамияти лекторлари, республика архитекторлар уйи ходимлари пойтахтимиз қурилишлари, унинг порлоқ истиқболи ҳақида гапириб бердилар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА БЎЛГАН АҲД

ЖАЗОИР, (ТАСС). Африкалик ватанпарварларнинг миллий озодлик курашини ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бостиришга уриниб, Жанубий Африка ирқчилари Африка миллий конгресси (АНК) отрядларига қарши «тозалаш операцияси» деб аталган операцияни амалга оширмоқдалар.

Биринчи Умумафрика маданият фестивалида қатнашган Африка миллий конгрессининг намояндалари АПС агентлиги мухбирига шу ҳақда гапириб бердилар.

Кейинги вақтда улар «Саманда», «Себаза» деган ном билан иккита операция ўтказа бошладилар. Бу операцияларни ўтказиш вақтида ҳаракатчан қисмлар, артиллерия, вертолётлар ва бошқа ҳозирги замон қуролларидан фойдаланилмоқда.

Африка миллий конгресси вакиллари бундай дейишди: «Жанубий Африка ирқчиларининг партизанларини тор-мор келтириш, халқни бўлиб юбориш, халқ ўртасида умидсизлик уруғларини сочиш учун бўлган барча интилишлари барбод бўлади, Африка миллий конгрессининг ватанпарварлари қуролли курашни давом эттирмоқдалар ва уни кучайтиришга қарор қилгандирлар».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ТЎҒРИСИДА

РИМ, 4 август. (ТАСС). «Италия—СССР» жамияти журнали «Реальта Советика»нинг сўнгги сонида Совет Ўзбекистонидаги ҳаётга бағишланган кенг репортажнинг биринчи қисми эълон қилинди. Бу репортаж ана шу республиканинг тарихига бағишланган. Репортаж рангли ва оқ-қора фотографиялар билан яхши безатилган. Бу репортажни журналнинг махсус мухбири тайёрлаган. Яқинда у Тошкентда ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа шаҳарларида бўлган эди.

«Совет Ўзбекистони, — деб таъкидлайди журнал, — бир неча ўн йил мобайнида ғоят қолоқликдан атом асрига қадам қўйди». Репортажда 1966 йил апрель ойидаги зилзиладан кейин Тошкентни тиклашда СССР даги барча иттифоқдош республикаларнинг бинокорлари фаол қатнашганликлари ҳам кўрсатилган.

◆ Пойтахтимиз меҳмонлари

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҚЎШИҚЛАРИ





Яқинда Свердлов номидаги концерт залн эстрада шинавандаларн билан тўлди. Бу ерда Чехословакиянинг «Стар клуб» эстрада ансамбли ўзларининг нафис куй ва қўшиқларини намойиш қилишаётир.

Бу ансамбль коллективининг ҳар бир чиқиши эстрада ишқибозларида катта таассурот қолдирмоқда.

«Стар-клуб» ансамбли Совет Иттифоқига биринчи марта меҳмон бўлиб келди. Улар ўз программасидан Совет ва Чехословакия куй ҳамда қўшиқлари кенг ўрин олган. Айниқса томошабинларга моҳир қўшиқчилар Р. Адам, П. Лишка, М. Копецкаларнинг чиқишлари манзур бўлмоқда.

Бугун

Свердлов номидаги концерт залн яна эстрада ишқибозлари билан тўлди. Бу ерда Чехословакия булбуллари Тошкент осмонида ўз овозлари билан парвоз этишяпти,.

СУРАТЛАРДА: қўшиқчи М. Копецка куйламоқда (ўнгда). Моҳир қўшиқчи П. Лишка ансабль жўрлигида шўх ашула айтмоқда.

Л. Глуберзон фотолари.



КУБА РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда шакарқамиш ўрими қизғин кетяпти. Куба меҳнаткашлари тарихда биринчи бор неласи йили 10 миллион тонна шакар етиштирмоқчилар.

СУРАТДА: Орьенте вилоятида шакарқамиш ўрими.

С. Преображенский фотоси. (ТАСС).

● В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига

Юбилейга бағишлаб

— Ҳозиргача республика техника кутубхона тармоқларига 200 дан ортиқ «Кўрик шартлари», «Яхши кутубхоналарнинг иш тажрибалари» ҳақида варақа ва брошюралар юборилди. Тажрибали методистлар ва библиографлар областларга бориб, техника кутубхоналаридаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва Ленин юбилейига умумий кўрикда қатнашиш шартлари бўйича катор методик кўрсатма ва ёрдамлар беришмоқда. Кўрикда республиканинг 80—86 процент кутубхоналари қатнашади.

Республика илмий-техника кутубхонаси илмий Совети ва республика кўриги бўйича ташкилий комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган умумий кўрикнинг борishi ҳақида» доклад қилган кутубхонанинг илмий-методика бўлим мудири С. И. Цирлина шундай маълумот берди.

Илмий-техника жамияти Республика Совети правлениеси Президиумининг раиси ўринбосари В. Т. Козленко кўрик натижасида янгиликлар туғилаётгани, мутахассисларга якка тартибда ва группалар асосида хизмат қилиш сифати ошаётгани ҳақида гапирди. Бу, саноат ишлаб чиқаришининг ўсишида жуда қўл келяпти. Бундан ташқари, «Аълочи кутубхоначи», «Энг яхши бўлим» номларига конкурс эълон қилинганлиги жуда ўринлидир.

Фикримизча, ана шундай кўрик-конкурслари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси бўйича ўтказилса, илмий-техника ва техника кутубхоналарининг иш услубини яхшилаш мақсадида илмий-техника жамияти республика Совети қошида Республикада илмий-техникавий китобларни пропаганда қилиш комитети тузилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди,— дейди В. Т. Козленко.

Ана шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда В. И. Ленин юбилейига бағишлаб ўтказилаётган умумий кўрикка ҳамма техника кутубхоналарини жалб қилиш, кўрикда қатнашаётган кутубхоналарнинг иш тажрибаларидан Информация варақаси чиқариш ва тарқатиш, «Ленинча иш жараёнида меҳнат унумдорлиги учун техника прогрессини қўллаш» тўғрисида методик қўлланма ишлаб чиқиш, илмий-техника жамияти республика Совети қошида «Илмий ва техникавий адабиётларни пропаганда қилиш умумсоҳа комитети»нинг тузишни республика Совети правлениеси Президиумидан сўраш каби тадбирларни амалга ошириш таъкидланган. Бу комитет техника адабиётларини пропаганда қилишгина қолмай, умумсоҳа бўйича бошқа республикалар билан тажриба алмашиш, мамлакатимиз илмий-техника кутубхоналарида ўтказилаётган илмий конференциялар йиғилишлар ва «Информация кундалиги» материалларини республикадаги илмий-техника ва техника кутубхоналари ишини тубдан яхшилашда татбиқ этиш имкониятига ҳам эга.

Иккинчи масала бўйича сўзга чиққан кутубхонанинг директори ўринбосари С. Тўлаҳўжаев йилнинг ноябрь ойида бўладиган Ўзбекистон техника кутубхоналари ходимларининг илмий-практик конференциясига тайёргарлик тўғрисида доклад қилди.

У. ҚОРАБОЕВА,
республика илмий-техника кутубхонаси кадрлар бўлимининг бошлиғи.



«Юлдуз» тикувчилик фирмаси ўқув йилига мактаб формаларини кўплаб тикиб чиқармоқда. Сиз суратда ана шу фирманинг илғор чеварларидан А. Матвейнко (олдинда) ҳамда мастер О. Аҳмедова ва И. Нортоеваларни кўриб турибсиз.

Ю. Содиқов фотолари.

● Билимлар-оммага

Атеистлар ғайрати

Республика илмий атеизм уйи ва унинг филиаллари КПСС XXIII съезди тарихий материаллари ва КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар. Атеистик тарбия—партия пропагандасининг энг муҳим, қийин ва шарафли участкаларидан бири.

Атеизм уйи ходимлари томонидан лектор ва пропагандистларга ёрдам тариқасида варақалар ва лекция текстлари Республика «Билим» жамияти орқали босмадан чиқарилляпти. Масалан, М. Жабборованинг «1965-1968 йилларда чиққан янги атеистик адабиётларнинг аннотацияланган рўйхати», М. Бўрихўжаевнинг «Драматургия ва атеистик тарбия» каби рисолалари шулар жумласидандир.

Ахил коллективимиз областларда семинар ўтказиш билан бирга Тошкент шаҳридаги район партия комитетлари ва «Билим» жамиятлари билан ҳамкорликда семинар ўтказишга ҳам катта аҳамият бермоқда. Кейинги вақтларда Фрунзе, Киров ва Октябрь районларида ана шундай семинарлар бўлиб ўтди.

Атеистик пропагандани янада яхшилаш учун — атеизм уйи район партия комитетлари, район ҳамда «Билим» жамиятлари билан икки йиллик лектор-атеистлар тайёрлайдиган мактаблар очган.

Атеизм уйи лекторлари атеистик пропагандани ҳар хил форма ва методларидан фойдаланмоқдалар. Атеистлар куни, атеистлар ҳафталиги, атеистлар ўн кунлиги, оғзаки журналлар ўтказиш, савол-жавоб кечалари шулардан ҳисобланади. Корхона ва ташкилот клубларида қизиқарли савол-жавоб кечаларимиз қизиқарли ўтди.

А. ХОЛМИРЗАЕВ,
Республика илмий-атеизм уйи директори.

● Ленин йўлланмаси билан

ЯН ЭРНЕСТОВИЧ РУДЗУТАК

Ян Эрнестович Рудзутак ёшлигидан кўп машаққатларни бошидан кечирди. У 14 ёшлик чоғидан меҳнат фаолиятини бошлашга мажбур бўлди. Шу даврдан бошлаб Рудзутак халқ бахт-саодати учун кураш йўлига кирди. 1905 йилда у большевикларнинг яширин ташкилотларига аъзо бўлиб кирди. Рудзутак К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларини ўқиди ва ўрганди, марксизмнинг асосий мазмунини билиб олишга ҳаракат қилди ва ғояларни халқ оммасига сингдиришга ҳаракат қилди. Кейинчалик Я. Э. Рудзутак профессионал революционер, кўзга кўринган партия ходими бўлиб танилди.

У февраль буржуа-демократик революцияси ғалабаси натижасида турмадан озод этилди. Октябрь революциясининг ғалаба қозонишида актив қатнашди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ партия ўзининг энг яхши кадрларни янги ҳаёт қурилишининг энг муҳим участкаларига юборди. Рудзутакка касаба союз органларида ишлаш топширилди.

У тўқимачилар касаба союзи Бутун Россия Советининг раиси бўлиб ишлади. ВЦСПС аъзоси қилиб сайланади. 1918 йилда партия унга Халқ Хўжалиги Олий Кенгашида ишлашдек масъулиятли вазифани юклади. Рудзутак бу ишда 1919 йил октябрь ойининг бошигача ишлади.

Гражданлар урушининг оловли ҳалқаси ичида қолган Туркистон республикаси ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий томондан ёрдамга жуда муҳтож эди. Туркистон Компартияси ўзининг асосий эътиборини гражданлар уруши фронтига қаратган эди. Ҳамма куч, ишчилар синфининг энг яхши кадрлари фронтдаги ишлар билан банд эди.

Туркистон Компартияси чиниққан большевистик кадрларни юборишни сўраб марказга мурожаат этди. РКП (б) Марказий Комитети Туркистонга тажрибали партия ва совет ходимларини юборишни лозим топди. У ерда кенг ваколатлар берилган, РСФСР ҳукумати ва РКП (б) Марказий Комитети номидан иш кўрадиган ягона махсус орган тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

В. И. Ленин 1919 йил 8 октябрида Бутунроссия МИК ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарорни имзолади.

Халқ хўжалиги Олий Кенгашининг тавсиясига биноан Рудзутак Туркомиссияси составига киритилди. Марказий Комитет унга Туркистоннинг иқтисодий ва озиқ-овқат органларига раҳбарлик қилишни топширди.

Туркомиссия аъзолари Совет Туркистони учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ишлаб чиқдилар. Рудзутак Совет ва партия аппаратини мустаҳкамлаш, марказлаштириш ва қайта қуришда, Туркистон Коммунистик партияси-сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, меҳнаткашларни социалистик қурилишга кенг суръатда жалб этишда жонбозлик кўрсатди.

Туркистон экономикасини мустаҳкамлашда Рудзутакнинг хизмати, айниқса каттадир. У Туркомиссияда барча иқтисодий масалаларни бошқаради. Рудзутак Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришда ҳам катта хизмат қилди.

Рудзутак раислигидаги Туркистон Халқ Комиссарлари Совети меҳнаткашларнинг турмушини яхшилашга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети аҳолига медицина хизмати кўрсатиш юзасидан муҳим тадбирларни кўрди. 1920 йил баҳорида қишлоқ ва овулларда эпидемияга қарши кураш учун сайёр даволаш-эпидемия отрядлари тузилди.

РКП(б) X съездидан кейин партия ўзининг кўзга кўринган арбобларини хўжалик қурилишининг ҳал қилувчи участкаларига юборди. Я. Э. Рудзутак 1921 йил апрелда Туркистон халқ хўжалигини тиклашга раҳбарлик қилиш учун РКП (б) Марказий Комитети Туркомиссияси ва Туркбюросининг раиси қилиб тайинланди.

1921 йил апрель — май ойларида РКП (б) МК Туркбюросининг Бутунроссия МИК ва РСФСР Халқ комиссарлари Совети Туркомиссиясининг раиси Рудзутак ҳарбий коммунизм сиёсатидан янги иқтисодий сиёсатга ўтиш муносабати билан Туркистон республикасининг иқтисодий органларини қайта тузиш юзасидан катта иш бошлаб юборди. 1920 йил 10 августда Рудзутак РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси қилиб тасдиқланди.

В. И. Ленининг кўрсатмасига биноан, Рудзутак Туркистон халқлари билан ўртоқларча ва тўғри муносабатлар ўрнатиш учун курашди, коммунистик партия ва совет ҳукумати бутун мамлакатнинг ишчи ва деҳқонлари манфаатини баб-баравар ҳимоя қилишини амалда кўрсатди.

Рудзутак йўллар халқ комиссари қилиб тайинланганлиги сабабли РКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг 1924 йил 30 октябрдаги қарори билан уни Ўрта Осиё бюросининг раиси вазифасидан озод қилди.

Ажойиб ленинчи-большевик Я. Э. Рудзутакнинг номи Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари учун, Ўрта Осиёдаги бошқа қардош республикаларнинг халқлари учун, барча совет кишилари учун ғоят азиздир.

Т. Ҳошимов,
Педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг ўқитувчиси.

«КУМУШКОН» БАҒРИДА

...Паркент — «Кумушкон» маршрути бўйича юрадиган автобус йўлга чиқди. Беш-олти километрлик массфа орқада қолгач, ям-яшил майсазорлар, узумзорлар, шохлари ҳосилдан эгилган боғлар кўзга ташланди. Машина юқорилаб борар экан, йўловчилар димоғига тоза тоғ ҳавоси урилди. майин шабада билан сой сувининг шўх шаршаралари жўр бўлиб, қўшиқ айтаётгандай эди.

Автобус 18 километр йўл босгач, тсғ ёнбағридаги қуюқ дарахтлар орасига жойлашган «Кумушкон» дам олиш уйига етиб келади.

Ташкил топганига энди уч йил бўлган бу оромгоҳ асосан ёз мавсумида ишлайди. Бу ер, айниқса, ҳафтада икки кун дам олувчилар учун жуда қулай. Масалан, ўтган дам олиш куни 120 киши ўз оиласи ва ёру биродарлари билан бу ерда хордиқ чиқариб қайтди.

Дам олиш уйи маъмурияти 12 кунлик хордиққа келганлар билан бир қатсрда, шанба ва якшанба кунларини мазмунли ўтказиш учун келганларга ҳам қулай шароит яратиб бермоқда.

В. ҲАМИДОВ.



СУРАТДА: Тошкент тепловоз депосининг илғор ишчиси Н. Седунов, у кунлик нормасини 120—130 процент адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.


● Студентлар практикада

ҚИЗИҚАРЛИ ЎТМОҚДА

Тошкент халқ хўжалиги институтининг III курс студентлари ўзларининг олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқариш практикасидан ўтмоқдалар. Улар Республикамиз областларининг саноат корхоналарида хўжалик фаолиятини анализ қилмоқдалар.

Студентларнинг бир группаси Тошкент шаҳар Ленин район молия бўлимида амалий машғулотлар бошлаб юборишди. Практиканинг қизиқарли ўтишида студентларга молия бўлими ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

А. ЖУМАЕВ.



Ёшларимизнинг илм-фан эгаллашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Сиз бу суратда Республика илмий-техника кутубхонасининг ўқув залида илмсевар ёшлар фан асосларини ўрганишаётганини кўриб турибсиз.



Тошкент Марказий универсал магазинининг фотокино товарлари секцияси доим харидорлар билан гавжум бўлади.

СУРАТДА: фотокино товарлари секциясида савдо пайти.

М. Нуриддинов фотолари.

● Танишинг-ҳамшаҳарларимиз

САХОВАТЛИ ОТАХОН

Мен яқинда атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг болалик йиллари ўтган Кўргонтепи маҳалласида бўлдим. Кўп йиллардан бери шу маҳаллага раислик қилаётган Абдусалом Ҳасанов билан учрашмоқчи эдим.

Маҳалла клуби олди да меҳнат Қаҳрамони, шу маҳаллалик Абдураҳмон ота Саидбоевни учратиб қолдим. Меҳнатда тобланган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган бу отахон негадир кексалик ҳақида гап очиб қолди.

— Қари бор уйнинг зари бор,— деди Абдураҳмон ота,— маҳалламизда Абдусаломга ўхшаган қариялар кўп. Ҳаммаларининг ёши олтмишетмишдан ошиб кетган, лекин ҳаммалари тетик. Абдусаломнинг ўзи маҳалламизга қирқ уч йилдан бери раислик қилиб келяпти. Қари билганни пари билмайди, деб бежиз айтишмайди. Умридан барака топсин, Абдусалом маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир кишининг дарди-муддаосини билади, малҳам топади, эл-юртнинг нима талаби бўлса қондиради. Шунинг учун ҳам эл ҳурматига сазовор бўлган у.

Суҳбатимиз шу ерга етганда Абдусалом Ҳасанов келиб қолди. Узоқ йил маҳаллага бошчилик қилган бу нуроний кексанинг дастлабки сўзиданоқ камтарин ва камсуҳаплиги, маҳалла аҳлининг чинакам отахони эканлиги маълум бўлди. Мен севикли шоиримиз Ғафур Ғулом ҳақида сўз очдим. Абдусалом ота бир зум жим қолди:

— Болалик йилларим Ғафур билан бирга ўтган,— деди у, отам раҳматлик муаллим эди... Ғафур билан отамнинг қўлида таҳсил олганмиз.

Абдусалом ота билан маҳалла комитетининг идорасига кирдик. Турли ҳужжатлар, сарғайиб қолган хатларни кўздан кечирдик. Булар ичида Ғафур Ғуломнинг ўз қўли билан ёзилган каттакичик хатлар, Абдусалом отага ёзган илиқ мактублари яқин ўтмишни жонлантириб турарди.

Ҳамма нарса аён бўлди. Ҳасан ота Шермуҳамедов инқилоб арафаларида Ғафур Ғуломни ҳам, ўғли Абдусаломни ҳам ўқитган. Ғафур Ғулом ўзининг биринчи ўқитувчиси Ҳасан Шермуҳамедовни умрининг сўнгги йилларигача фахр билан эслаб юрган.

Ана шу муаллимнинг ўғли Абдусалом илмга ихлос қўйди, саводини чиқарди.

—Мен 1919 йилнинг кўкламидан Тошкентдаги биринчи босқич мактабда ўқитувчилик қила бошладим,— деди Абдусалом ота. — Орадан бир йил ўтди. Тошкентлик зиёлилар билан Хоразм Халқ Республикасига юборишди. Партия ва ҳукумат кўргазмаси билан Хоразмда янги мактаблар, болалар уйлари очдик, халқни илм-урфон олишга ундадик, Айниқса, ёвуз Исфандиёрхон саройи ўрнида очилган янги болалар уйи хотирамда ўчмас из қолдирган.

Абдусалом Ҳасанов ана шу болалар уйида узоқ йил ишлади. У етим-есирларни тарбиялади, илм берди, уларга турли ҳунар ўргатди. Шу пайтдаёқ Абдусалом ота эл меҳрини қалбига жо этган эди.

Ажойиб ўқитувчи Тошкентга қайтиб келгач, ўзининг шарафли касбини яна давом эттирди. Мактабларда дарс берди, турли вазифаларда ишлади. Абдусаломни 1926 йилда Кўргонтепи маҳалла комитетиди. У ҳозирга қадар га раис қилиб сайлашана шу маҳаллага отахоллик қилиб келмоқда.

Абдусалом ота Ҳасанов ўттиз беш йил давомида шаҳар мактабларида фидокорона ишлаб, меҳнаткаш халқ фарзандларининг саводини чиқаришда, маориф - маданиятни ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У ҳозир ҳам ёшларни чинакам коммунистик руҳда тарбиялаш учун, уларнинг илмли ва одобли бўлиши учун тинмай курашмоқда.

Абдусалом ота Ҳасанов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари, область, район партия ва Совет комитетларининг ташаккурномалари ва пул мукофотларини олишга сазовор бўлган.

Эл меҳрини қозонган отахонга етмиш ёшлик тўйи яқинлашган шу кунларда унга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Т. РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: Абдусалом Ҳасанов (ўртада) маҳалла активлари билан навбатдаги иш режалари ҳақида суҳбатлашмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ягона мақсад йўлида

«Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трестининг бинокорлари пойтахтимиздаги пешқадам коллективлардан ҳисобланади. Улар ҳамшаҳарларимиз учун қўплаб турар-жой, болалар муассасалари ва маданий-маиший бинолар қуриб бериш бўйича давлат планларини доимо муваффақиятли бажаришмоқда.

Коллективнинг қўлга киритаётган улкан меҳнат ғалабаларида 165 кишидан иборат трест коммунистларининг роли каттадир. Уларнинг авангардлигини ошириш ва ғоявий-сиёсий ишлари савиясини кўтариш йўлида партия комитети ҳамда бошқармалардаги бошланғич партия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Трестда еттита қурилиш бошқармаси бўлиб, уларда тадбиркор коммунистлар бошқараётган бошланғич партия ташкилотлари мавжуд. Бошқарма участкаларида эса партгруппалар тузилган. Ҳар бир ташкилотда йиллик планни бажариш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган.

Партия йиғилишларида ишчиларга ғамхўрлик, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари, пешқадам коллективларнинг тажрибаларини таргиб этиш, ўзаро социалистик мусобақа якуни ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

Юқоридагилар билан бирга, участкаларда тузилган уч кишилик партгруппалар муҳим ишларни ўз жойида ҳал қиладилар. Меҳнат интизоми, машина ва механизмлардан унумли фойдаланиш, объектдаги ишларни бир маромда бориши доимо уларнинг диққат-марказида. Трест бўйича шундай партгруппалардан ўнтаси намунали ишлаб турибди.

Партгруппалардан бирига 57-бошқарманинг прораби Е. Ф. Константинов раҳбарлик қилади. Бошқарма бинокорлари бунёд этаётган Сергелидаги мебель комбинати қурилишида ойлик планлар мунтазам бажарилади. Партиявий-ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бу ерда намунали жиҳозланган қизил бурчак бор. Партиявий-сиёсий ишлари яхши йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш масалалари билан жиддий шуғулланиб келаётган коллективлар доимо зиммаларидаги топшириқларини ошиғи билан ўринлаб, трестда пешқадамлик қилишяпти.

Ҳар бир бошқармада марксизм-ленинизм асосларини ўрганувчи партия сиёсий ўқуви мактаблари, иқтисод курсларини ўргатувчи турли хил тўгараклар ишлаб турипти.

Ўтган ўқув йилидаги машғулотларда КПСС Марказий Комитетининг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Компартияси Мар Комитети X Пленумининг партиявий ўқувчилар савиясини ошириш тўғрисидаги қарорлари пухта ўрганилди. Пропагандистлардан 57-бошқарма мастери Капухно, прораб Афиногенов, 23-қурилиш бошқармаси бош инженери Березин ва бошқа ўртоқлар ўзларига юклатилган партиявий топшириқларни беками кўст адо этмоқдалар.

Ҳар йили ўнлаб авангард, меҳнат пешқадами бўлган ёшлар партия сафига қабул қилинмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида коммунистик меҳнатда намуна кўрсатган, ўзларининг билим савияларини тинмай ошириб бораётган комсомоллардан 5-бошқарма ишчиси А. Мамаюсупов, 63-бошқарма инженери Н. Жалилов, шу бошқарма дурадгори Б. Туркинлар КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинишди.

Қурилиш трести партия комитети ва бошқармалардаги бошланғич партия ташкилотлари ёш коммунистларни тарбиялашга катта эътибор беришмоқда. Ёш кадрлар билан ишлашни яхши йўлга қўйган ва уларга оталик қилаётган коммунистларнинг авангардлигини тобора ошириб бораётган коллективлар доимо ойлик ва квартал планларини муддатидан илгари адо этмоқдалар.

Ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган пешқадам коллектив етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини ҳам муддатидан анча илгари бажарди. Уларнинг бу йилги режалари ҳам улкан. Бош пудрат бўйича 35 миллион 726 минг, ўз кучлари билан эса 11 миллион 3 минг сўмлик иш бажариб, тошкентликлар учун 63,2 минг квадрат метр турар жой ва маданий-маиший бинолар қуриб беришлари керак.

Шу кунларда трест бинокорлари бунёд этаётган Сергелидаги мебель комбинати, «Ташсельмаш» заводи учун янги цех корпуси, Қўйлиқ турар-жой массиви ва бошқа ерлардаги объектлар қурилишида ҳам коммунистлар бош-қош бўлиб туришипти.

— Ҳеч шубҳа йўқки, — дейди биз билан суҳбатда трест партия комитетининг секретари Эркин Раҳмонбердиев, — трест коммунистлари, беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини ортиги билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда янги ғалабалар билан кишонлайдилар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН...

ХУЛҚ

Хушхулқлилик хушчақчақлик хулқий гўзалликнинг ҳислатларидандир. Хушфеълдик, назокат, ширин сўзлилик, камтарлик, самимийлик, очиқлик ва соддадиллик каби ахлоқий фазилатлар ҳурмат ва хулқий маданиятнинг муҳим хусусиятларидан, яъни хулқий гўзаллик маданиятнинг асл мазмунини ташкил этмоғи лозим. Ҳақиқатдан ҳам бирор кимсани «маданиятли» ёки «маданиятсиз» деб атаганда кўпроқ ана шу фазилатларга асосланадилар. Бироқ, «ширин сўзлилик» ҳамма кишилар ва ҳамма шароитлар учун умумий шиор бўлмайди. Зотан, «ширин сўзлилик» ҳамма вақт ҳурматнинг ва маданиятлиликнинг ифодаси бўлавермайди.

Ғаразли ниятларга хизмат қиладиган хушфеъллик ва «ширин сўзлилик» маданиятсизлик ва ҳурматсизликнинг ниқоби ўзидир. Ҳурматсизликнинг бу хилини халқда муносиқлик дейдилар. Шундай қилиб, ширин гапирган кишиларнинг ҳаммаси ҳам дўст эмас ва, аксинча аччиқ гапирганларнинг ҳаммаси душман ҳам эмас. Халқ мақолида айтилганидек, «дўст аччитиб гапирар, душман кулдириб». Лекин аччиқ ҳақиқатни ўз дўстига билдираётган ёки оддий бир ёқимсиз камчилик учун дўстини аччиқ қойишини зарур деб топган шахс фақат ҳақиқатгагина суянмай, ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши керак, зеро қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиши мумкин. Бунда дўстлар бир-бирининг шахсий хусусиятлари, ижобий ва салбий томонларини тўла ҳисобга олишлари зарур.

Одамнинг кўнгли ниҳоятда нозик бўлади ва у, одатга кўра, дўстлардан кўпроқ ширин гап эшитишга муштоқ бўлади. Дўстлараро аччиқ суҳбатда эса шу одат ва шу муштоқликка катта раҳна тушади. Бу раҳна туфайли, кўнгил шишаси парчаланиши, камида дўст кўнгли хираланиши (бебурд, ланж, худбинроқ дўстлар бир раҳнага ҳам чидамай, барбод бўлишади) мумкин. Шоир айтганидек:

Синса кўнгил шишаси тадбир ила бўлмас бутун,
Устухон эрмасми они, рост қилса мўмиё.

Аёндирки, бу ўринда кўпроқ шахсий дўстлик тўғрисида гап бораётир. Халқ ва жамоатга нисбатан ҳам бу қоидаларни қўллаш кишининг руҳий маданиятини муқаррар бойитади. Шундай қилиб ўз атрофидаги кишилар, ўртоқлар, дўстларидаги ва ўз ишхонасидаги камчиликларни камтарлик ва эҳтиётлик билан танқид этмайдиган кишиларни ҳам, ҳақиқий ғанжида бепарво ёки ёмон кўз билан қаровчиларни ҳам тўла маданиятли деб бўлмайди. «Ножўя ҳатти-ҳаракатларни сеза ва кўра туриб индамаслик, бирор шахснинг нотўғри йўлдан бораётгани ҳақида шикоят ва сигналлар олингани ҳолда унга бефарқ, бепарво қараш ёки танишлик, яқинлик туфайли қалтис ришларни, хиёнатларни кечиришга ўтиш» деган ибораларни ҳам ҳаётимизда учратиб қолишимиз мумкин. Бундай ҳолларда ҳам ҳақиқий дўст, ҳамкасб, ҳамдавод ўртоқ ҳеч вақт бир-биридан бор гапни яширмайди, рўй-рост айтаверади, ҳар қандай хато-нуқсонлардан, янглиш-хатарли уринишлардан халос этиш учун бир-бирига кўмаклашади, қулай вазият вужудга келтириш учун қўлидан келган ҳамма яхшиликни қил аверади» Одамлар баъзан бунга риоя этмайдилар.

Талабалар аҳлидан бир мисол: ТошДУ физика факультетининг К. Тўлқин исмли студенти, ўзи умуман зарарли шахс бўлмаса-да, ўртоқларининг ёмон, мавжуд қоидаларга қарши хатти-ҳаракатларини очиб ташлашни ва уларга ўртоқларча қарши курашишнинг зарурлигини тан олмайди. Уз ўртоқларининг прогулчилик, интизомсизлик, ҳурматсизлик каби ёмон, одобсиз, салбий қилиқларига муносабатда «кемага тушганнинг жони бир» қабилида иш тутиб, бехтиёр ёмонликка ён босади ва ўзи ҳам одобсизлар ҳолига тушиб қолади; шундай қилиб, Тўлқин ҳам ўзи, ҳам ўртоқларидаги нуқсонларнинг тузалишига эмас, балки уларнинг кучайишига ҳисса қўшади.

Шу факультетнинг И. Сайфуддин исмли талабасида эса ҳурматсизлик ва одобсизликнинг бошқа кўринишлари бор. Ҳурмат тарбияси бузилган бу бола ёлғончилик, ялқовлик, безбетлик, такаббурлик сингари хусусиятларни ўзида тўплаган. Масалан, у, ялқовлик ва интизомсизлик туфайли дарсдан прогул қилади-да, «касал» эдим деб жавоб беради, ёки: домла дарсни сўраганида жавоб беролмай «ёмон» баҳо олади-да, тескарисига, «домла баҳони билмаганим учун эмас, ёмон кўргани учун қўйди» деб ғийбат тарқатади. И. Сайфуддиннинг камчиликларига ҳам айрим ўртоқлари курсдошлари лоқайд, бепарво қараб тураверадилар, уни тартиб, интизом, одобга чақирмайдилар. Бу эса, ўзаро дўстликка эмас, душманликка ўхшаб кетади.

Дарвоқе, дўстлик билан ҳурматнинг ўзаро муносабати қандай?

Баъзилар «чичакам иззат-ҳурмат самимий дўстликка асосланади» деб ҳисоблайдилар. Бироқ, бу ғалат фикрлаш ва хатодир. Аслида аксинча, яъни дўстлик ҳурматга асосланади. Чунончи, кўпмиллатли совет мамлакати халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, бизда ҳамма халқлар тенглар ичида тенг бўлиб, бир-бирларининг тили, тарихи, маданияти ва урф-одатларини ҳурмат этадилар. Бошқача қилиб айтганда, биз бир-биримизга дўст бўлганимиз учун ҳурмат қилмаймиз, балки ҳурмат қила олганимиз учун дўстмиз.

Жамиятимиздаги барча кишиларда ҳурмат, инсонни қадрлаш ҳиссини ва ўз халқини улуғлаш туйғусини тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Партия XXIII съезди қарорлари кўрсатмаларига амал қилиб, янги навқирон коммунистик ҳурмат ва маданият учун, янгича хулқий фазилатлар ва хулқий гўзаллик учун тинмай курашаверайлик.

М. НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати.



Грузиянинг Мцхиовский районидаги Варцихе қишлоғида 90 ёшли Нестор Зививадзе истиқомат қилади. У кўпдан буён пенсия олади, ҳеч қандай ками-кўсти йўқ. Аммо ёш фаслида некса Нестор уйда бекор ўтиролмайди. Совхознинг бошқа миришкорлари сингари токзорларда ишлайди. Ҳўжаликда 500 гектарга яқин токзор бўлиб, ундан яхши ҳосил олиш учун ёзда ҳар бир узум занги ёнига 80 марта яқинлашиш керак.

СУРАТДА: Нестор Зививадзе токзорда.

В. Дадвадзе фотоси (АПН).

ЯНГИ НАШРЛАР

„Ленин ва ҳозирги замон фани“

«В. И. Ленининг фалсафий ғоялари ва логика» деган китоб сотила бошлади. Бу китобни СССР Фанлар академияси фалсафа институтининг директори, Украина Фанлар академиясининг академиги П. В. Копнин ёзган. В. И. Ленин ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг социалистик жойлаштирилиши» деган асар ҳам нашрга тайёрланди.

В. И. Леннинг 100 йиллигига аталган бир қанча катта тадқиқотлар чоп қилинади. «Ленин ва ҳозирги замон фани» деган икки томли тўплам юбилейга аталган муҳим нашр бўлади. Бу томларга киритилган мақолаларни йирик совет олимлари, ижтимоий фанларнинг турли соҳаларидаги мутахассислар ёзган. Булар орасида Ленин мукофотининг, Давлат мукофотининг ва Нобель мукофотининг лауреатлари бор.

Тўпламнинг биринчи қисмига академиклар А. М. Румянцев, Б. Н. Пономарев, П. Н. Федосеев, Е. М. Жуков, М. Б. Храбченконинг мақолалари киритилган. Мақолаларда Ленининг пролетар революцияси масалалари, жамиятни социалистик қайта қуришнинг ҳозирги босқичига доир масалалар баён қилинади. Академиклар М. В. Келдиш, В. А. Кириллин, Н. Н. Семёнов, М. А. Лаврентьев, Н. В. Мельников, С. А. Бекшинский В. М. Глушков, Б. Е. Биховский ва бошқа олимларнинг мақолалари тўпламнинг иккинчи қисмидан жой олди. Бу мақолаларда ҳам фан—техника —жамият, ҳозирги замон фани ва техникасида, математика ва механика, ҳозирги замон физикаси ва химиясининг ривожланиши, ҳисоблаш техникаси ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, биологиядаги янг янги методлар ва муваффақиятлар сингари актуал проблемалар ёритилади.

«В. И. Ленин ва халқаро ишчилар ҳаракати» (1896—1924 йиллар), «В. И. Ленин ва миллий озодлик ҳаракати». «Ленининг ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги таълимоти» ва бошқа асарлар нашрга тайёрланмоқда.

(ТАСС мухбири)
МОСКВА.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Софиядаги илмий тадқиқот саройи.

Жанубий Вьетнамда жанглар

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари отрядлари Америка-Сайгон қўшинларига қарши муваффақиятли уруш ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. ВИА агентлиги озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб шу хабарни берди.

Ватанпарварлар 22 июлга ўтар кечаси Лонган вилоятидаги Танчу районида жойлашган Биньлонг «Стратегик қишлоғига» ҳужум қилдилар, Американинг 50 га яқин солдатини сафдан чиқардилар ва асир қилиб олдилар. 17 июлда шу районнинг ўзида партизанлар кўғирчоқ «Граждан гвардияси» солдатларининг 2 ротасини тормор қилдилар. Халқ озодлик қуролли кучлари отрядлари 18 июль кечаси Американинг Камраньдаги ҳарбий денгиз базасига ҳужум қилиб, 10 минг тонна ҳажмдаги ҳарбий транспорт кемасини чўктирдилар. Улар душманнинг 160 дан кўпроқ солдатини сафдан чиқардилар ва 5 та вертолётни ҳамда йўл кўрсатиб турувчи самолётни уриб туширдилар.

РОЖЕРСГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ

ТОКИО. (ТАСС). Токиодаги Ханед аэропортида АҚШ давлат секретари Рожерсга суиқасд қилинди. Рожерс Сеулга кетмоқчи бўлиб, самолётдан чиқаётган пайтда бир йигит қўлидаги ханжари билан унга ташланди. Йигитни полициячилар ушлаб олиб, қамаб қўйди. Рожерс шикастланган йўқ.

ЖОСУСЛАР УЯСИ

Ғарбий Германиянинг жимжит курорт шаҳарчаси. Дарахтлар орасида ҳашаматли уйлар бекиниб турибди. Бад-Годесбергдаги шундай уйларнинг бири «Немис ривожланиш хизмати»нинг штаб-квартири учун ажратилган. Келган кишиларни атайин камтарлик билан жиҳозланган кабинетда жаноб шеф Вальтер Касперинг ўзи қабул қилади.

1963 йилнинг 24 июнида Шаумбург саройида АҚШ президенти Кеннеди иштирокида (бу янги мустамлакачилик рақобатига очиқданочиқ даъват эмасми?) мазкур хизмат расмий равишда ишга киришди. Бу воқеага давлат органлари ва хусусий фирмалар, янги мустамлакачиларнинг турли жамиятлари (масалан «Карл Дуйсбургезельшафт» жамияти) ҳамда айрим шахслар иштирокида узоқ вақт пухталик билан тайёргарлик кўрилди. Ўша вақтда иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича министр бўлиб ишлаган Вальтер Шеель федерал ҳукумат хусусий ташкилотлари билан бирга асослаб эндигина тузилган бу хизмат олдида турган мақсадлар ҳақида бир неча марта овозини баланд қилиб гапирган эди. У кўнгиллиларнинг асосий вазифаси «Ғарбдаги» ва биринчи навбатда «Германиядаги ҳамма нарсани» зўр бериб пропаганда қилиш, ривожланаётган мамлакатларда Ғарбий Германия империализмининг кучайиб бораётган экспансиясига ёрдам бериш мақсадида «немислар тарафдори бўлган табақани» юзага келтириш учун интилишдан иборатдир деб қайд қилиб кўрсатди. «Энг фойдали маблағ сарфлаш, деган эди министр,— киши учун маблағ сарфлашдир». Ўша Шеелнинг сўзларига қараганда «ўрганиш ва эсда тутиш» яъни ҳамма тушунадиган тил билан айтганда жосуслик характеридаги маълумотларни тўплаш хизмат ходимларининг муҳим вазифасидир.

«Кельнише рундшау» газетаси хизматнинг вазифалари тўғрисида янада очиқроқ қилиб: «Янги корпус биринчи навбатда сиёсий характерга эгадир. Бу қуролсиз партизан урушидир» деб ёзди. Газетанинг нимани кўзда тутаётганини тушуниш қийин эмас. Ғарбий Германия кўнгиллилари иш бошидаёқ Американинг «Тинчлик корпуси» айғоқчилари каби ёрдам бериш ва дўстлик ҳақидаги ёлғон-яшиқ сўзлар ниқоби остида ривожланаётган мамлакатларда маълумотлар тўплаш, идеология соҳасида қўпорувчилик қилиш ва бошқа жуда кўп ножўя ишлар билан шуғуллана бошладилар.

Хизмат раҳбарлари Америка «Тинчлик корпуси»нинг тажрибасидан кўпгина нарсаларни ўрганиб олишди албатта. 1964 йилда «Тинчлик корпуси»нинг директори Сарджент Шривел хизмат раҳбарлари билан махсус кенгашмоқ учун ГФРда бўлди. Унгача Шеель министрлиги АҚШга ўз экспертларини юборган эди. Бироқ Бонн оддий нусха олиш билан чегараланиб қолишни истамади. ГФРнинг пул қопларини анча салмоқли, замонавий идеология қуроллари билан қуроллантирилган ташкилот тузиш вазифасини кўйдалаяб қилиб қўйди.

Бошидаёқ кўнгиллиларни синчиклаб танлаш қўлланилди. Кўнгиллилар Америкадаги каби студентлардан эмас балки бирон касб эгаси бўлган кишилар орасидан танланади. Ғарбий германиялик корпусчилар икки йил ишлаш учун жўнаб кетишдан олдин бир неча ой давомида асосий ва махсус курсларда таълим оладилар, ўзлари ишлаяжак давлатларни пухта ўрганадилар. Уларни сиёсий тайёрлаш ва ишончли эканликларини текширишга алоҳида эътибор берилади. ДПА агентлиги кўнгиллилар қаторига танланган ҳар бир номзод биринчи навбатда 16 варақли анкетани тўлдириши керак деб далолат беради.

1964 йилнинг бошидаёқ айғоқчиларнинг биринчи гуруҳлари Танганьик, Афғонистон, Ливияга сўнгра Ҳиндистон, Чили, Перу, Бразилия, Нигерия, Непал ва бошқаларга жўнатилди. 1965 йилда турли мамлакатларда хизматнинг 200 га яқин вакили бор эди. Шу йил март ойида эса ГФР матбуотида «Немис ривожланиш хизмати»нинг икки минг вакили» деган хабар пайдо бўлди. Бу хабарда: «Инженер-конструктор Курт Хорц Бразилияга жўнаб кетди, у порт шаҳри бўлган Ресифидаги ҳунар билим юртида электротехникадан дарс беради.

Аммо у ўқитувчилик қилиш билангина қолмайди. Унинг устози Каспер доимо «кўнгилли ёрдамчиларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги фаолияти улар ўзлари вакил бўлган корхоналарга фойда келтириши мумкин» деб такрорлагани-такрорлаган.

Мисол учун хизматнинг Ҳиндистондаги вакиллари 54 кишини тайёрлаб ГФРда ўқиш учун юбордилар. Улар инженер бўлиб қайтгач «Нью гаверниент электрик фэктори» фирмасида ишлай бошладилар. Натижада Ғарбий Германиянинг «АЭГ» концерни бу компанияга ўз маҳсулотларини анча кўпроқ сотадиган бўлиб қолди.

Ҳозир хизмат жосуслари йигирма етти мамлакатда иш олиб бормоқда. Бонн кўнгиллилар ва бундесвер офицерларининг ёрдами билан парламент сайловларининг боришига таъсир кўрсатмоқчи бўлди. Сомалида чиқадиган «Иттихад аш Шааб» деган ҳафталик Бонн хизмат вакиллари ниқоби остида Сомалига жосуслик билан шуғулланувчи ва сомалилик юқори мартабали ҳарбийлар катта амалдорлар ҳамда сиёсий арбобларнинг ГФРга бориб туришини, бу орқали уларга «таъсир кўрсатилишини» ташкил этувчи кўп сонли офицерлар юборганини хабар қилди.

Умуман олганда хизмат билан бундесвер ўртасида маҳкам алоқа ва доимий ҳамкорлик ўқим суради. 1967 йилдаёқ федерал мажлисга «немис ривожланиш хизмати»да ишлашни ҳарбий хизматда бўлиш билан тенглаштирилган қонун лойиҳаси тақдим этилган эди. ГФР мудофаа министри бу қонуннинг қабул қилинишини кутиб турмасдан ўша йилиёқ ҳарбий мажбуриятли кишиларни агар улар мазкур ташкилотга кириш ҳақида ҳоҳиш билдиришса «имкони борича» бундесверга чақиришдан озод қилиш ҳақида кўрсатма берилган фармойиш чиқарди.

Буларнинг ҳаммаси Ғарбий Германия нусхасидаги «Тинчлик корпуси» бўлган «немис ривожланиш хизмати»нинг Африка, Осиё ва Америка қитъаларига Ғарбий Германия империализмининг иқтисодий идеология ва сиёсий бостириб кириши учун садоқат ва тўғрилик билан хизмат қилувчи ташкилот эканлигини етарли даражада кўрсатиб турибди.

А. Гурков,
(АПН).

Африка мамлакатларида

ЯНГИ АВТОМАГИСТРАЛЛАР ҚУРИЛМОҚДА

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия Социалистик Республикасида йўл қурилишининг катта программаси амалга оширила бошлади. Бу программа замонавий катта автомагистраллар барпо қилишни кўзда тутади. Автомагистралларнинг баъзилари ҳозир қурила бошлади. Шулардан бири Прага билан Братислава ўртасида қурилаётган автомагистрал мамлакатнинг асосий автомобил йўли бўлади. Яқин фурсатда Прага —Плзень — Розвадов автомагистралини қуриш бошланади. Қарийб 200 километр узунликдаги бу йўл Чехословакия пойтахтини ғарбий Чехиянинг саноат ва қишлоқ хўжалик районлари билан туташтиради.

УЛУҒ ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

БЕРЛИН. (ТАСС). Берлиндаги Ленин номли майдонда В. И. Ленинга қурилаётган ҳайкал пойдеворига Берлин қурилиш комбинатининг ёшлар бригадаси бетоннинг дастлабки куб метрларини ётқизди.

Ёш бинокорлар бу иншоот пойдеворини Германия Демократик Республикасининг 20 йиллиги шарафига битказиш мажбуриятини олдилар.

Ленин ёдгорлиги совет ҳайкалтароши Н. Томскийнинг лойиҳаси асосида қурилмоқда.

Буни мунофиқлик дейдилар

ЛУСАКА. (ТАСС). Замбия жамоатчилиги ғарб давлатларини қаттиқ қораламоқдалар. Улар БМТнинг хавфсизлик кенгашида Португалия мустамлакачи маъмурларининг Замбияга қарши қилган иғвогарлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш пайтида Португалиянинг ҳаракатини қоралловчи резолюцияни қўллаб-қувватлашдан бош тортган эдилар. «Замбия мейль» газетаси бундай деб ёзади: Англия ва Америка вакилларининг ўз позицияларини оқлаш мақсадида кўрсатган сабаблари сира ҳам асосли эмас. Бу гапларни мунофиқликдан бўлак нарса дейиш мумкин эмас. Қўшма штатлар ҳам жанубий Африка республикасидаги ирқчиларга нисбатан бирон бир қатъий чора кўришга қарши ниқмоқда, деб ёзади газета.

Поляк врачлари Нигерияда

ЛАГОС. (ТАСС). Маҳаллий касалхоналарда ишлаш учун поляк врачларининг биринчи группаси Нигериянинг ғарбий штатига келди. Уларни штат губернатори Аде Байо табриклаб, Нигерия ҳукумати ўз сиёсатига амал қилиб, дўст мамлакатлардан малакали врачларни ишга жалб этади, деди.

Яқинда яна бир группа поляк врачлари бу ерга келиб ишлайдилар.

ИҒВОГАРЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

АММОН, (ТАСС). Қўшни араб мамлакатлари билан ўт очишни тўхтатиш чизиқларида Исроил ҳарбийларининг иғвогарликлари давом этмоқда.

Кеча Иордания қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг маълум қилишича Исроил қўшинлари 1 август куни АШ-шуна районида (Иордан дарёси водний-синнинг шимолий қисми) Иордания қўшинларининг позицияларига ва деҳқонларнинг фермаларига қарата автомат қурол ва танклардан ўт очганлар. Иордания қўшинлари жавоб ўти очган. Отишма сал кам 25 минут давом қилган.

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг маълум қилишича кеча Адабия районида (Сувайш каналининг жанубий қисми) Исроил қўшинлари билан Миср қўшинлари ўртасида Сувайш канали орқали тўпвозлик бўлган.

Социализм мамлакатларида

СОВЕТ КОМБАЙНЧИЛАРИ ЧЕХОСЛОВАКИЯДА

ПРАГА. Яқинда ўттиз совет комбайни Совет-Чехослов а к и я чегарасидан ўтди. Закарпатиялик механизаторлар шарқий Словакия далаларида мисли-сиз мўл ҳосилни йиғиштириб олаётган словакиялик ўз ҳамкасабаларига ёрдам бериш учун келишди.

Словакия ғаллакорлари чегарада совет механизаторларини самимий, дўстона кутиб олишди.

Қанд заводлари ишга туширилди

ГАВАНА. Орьент вилоятида шакар қамишдан қанд тайёрловчи яна учта янги корхона ишга туширилди. Булар Гуантанамо шаҳридаги «рейнальдос», Ольгиндаги «Кристино наранхо» ва Пуэрто-падердаги «Архелина либре» заводларидан иборат. Ҳозирги вақтда Кубада 185 қанд-шакар корхонаси ишлаб турибди.

Янги энциклопедия

ВАРШАВА. Давлат илмий нашриёти яқинда «янчик умумий энциклопедия»ни босиб чиқарди. Бу энциклопедияни тайёрлашда 150 га яқин атоқли олим ва мутахассис қатнашди. Энциклопедияда 32 мингдан ортиқ мақола бор.

МОЗАМБИК ХАЛҚИ КУРАШМОҚДА



Мозамбик халқи Португалия мустамлакачиларига қарши қуролли курашни давом эттирмоқда.

СУРАТДА: Мозамбикни озод қилиш фронтининг (ФРЕЛИМО) ватанпарварлари мамлакатнинг озод қилинган районларидан бирида ўтказилаётган митингда.

ТАСС фотохроникаси.

Социализм мамлакатларининг пойтахтларидан хабарлар

«ҲАР БИР КЕЛИШИМ—БАЙРАМ»

Ленинграддаги миниатюр театрининг СССР халқ артисти Аркадий Райкин раҳбарлигида Болгария Халқ Республикасида берган гастроллари катта муваффақият билан ўтди. «София-пресс» мухбири Аркадий Райкин билан учрашиб ундан болгариялик дўстлари билан учрашувлардан олган таассуротлари ҳақида гапириб беришини илтимос қилди.

— Мен қардош мамлакатга биринчи марта бундан 11 йил илгари келган эдим,— деди А. Райкин,— шундан буён мен болгариялик дўстларнинг доимий келиб турадиган меҳмониман. Шу сабабли мен республиканинг юксалишини кўриб туриш имконига эга бўлдим. Болгарияга ҳар бир келишим менинг учун қалбимни теран ва порлоқ туйғулар билан тўлдирувчи байрамдир. Мени қамраб олувчи байрам кайфияти кўп жиҳатдан болгарларнинг бизнинг мамлакатимизга қилаётган муносабатидан туғилади. Бу муносабат ҳамма ерда — кўчаларда, идораларда, магазинларда, томоша залларида кўзга ташланиб туради.

Мен бу қардош мамлакатга ҳар сафар келганимда болгарларнинг бизни ўз туғишган ерларида меҳмондўстлик, чуқур самимийлик билан қутиб олишлари ҳақида ўйлайман. Бу ерда ёдгорликларнинг эҳтиёт қилиниши ва ҳурматланиши менда катта таассурот қолдиради. Бу анъана менинг учун қадрли, чунки улар кўп жиҳатдан бизнинг халқимиз ва мамлакатимиз билан боғлангандир.

Ҳазил ва кулги шаҳри бўлган Габрово шаҳрида ўтказган кунларимиз менда энг ёрқин таассуротлар қолдирди. Биз у ерда ўзимизнинг биринчи спектаклларимизни қўйдик. Болгариядаги гастролларимиз бизни ижодий кучларимиз учун яна бир синаш, масъулиятли имтиҳон ва шу билан бирга катта қувонч бўлди.

(АПН — «София — — пресс»).

СПОРТ

МАҲОРАТ ОШМОҚДА

Ленин комсомоли кўли ёқалаб борар экансиз, кўлдан ажратиб олинган сузиш бассейнидаги дельфинга кўзингиз тушади. Дельфин бу ерда нима қилади, деб ажабланаётган бўлсангиз керак? Бу «Дельфин» номли пионер лагеридир. Бу ерда моҳир сузувчилар «Меҳнат» болалар спорти мактабининг аъзолари машқ қилишяпти.

Болалар спорт мактаби қошида икки синф мавжуд бўлиб, бир синфда сузувчилар ва сувга сакровчилар ва иккинчи комплекс синфда курашчилар, боксёрлар ҳамда қиличбозлар тайёрламоқда.

«Дельфин» пионер лагерининг бош пионер вожатыйси Турғун Турсунов бизга лагерь ишлари ва мусобақалар ҳақида қуйидагиларни айтди:

Лагеримизнинг «Меҳнат» болалар спорти мактаби қошида ташкил топганига эндигина 4 йил бўлди. Лекин шу тўрт йил давомида лагеримизда анчагина машҳур сузувчилар етишиб чиқди. Масалан, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери ва Совет Иттифоқи терма командасининг аъзоси Сергей Конов ва спорт мастерлари Зюбицкая, Махонина, Побижимов ва Беляевлар ҳам лагерь кўчоғида тарбияланган сузувчилардир.

Шу кунларда 240 бола дам олаяпти. Ёшларнинг деярли ҳаммаси турли спорт разрядлари олиш учун нормативни аъло даражада топширишган. Уларнинг яхши тайёрланиши, машқ ўтказишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Сузувчилар ҳар куни икки марта махсус машқларни бажаришяпти.

Яқинда сузувчиларимиз «Спартак» спортчилари билан ўтказилган ўртоқлик учрашувида сузишнинг юксак санъатини намойиш қилишди.

А. ҚУШШАЕВ.

БОКСЧИЛАР ПЕШҚАДАМ

Шу кунларда «Спартак» стадионига кирсангиз ям-яшил футбол майдони диққатингизни тортади. Бу ерда ёш футболчилар машқ қилишар. Майдондан бироз ичкарида эса гимнастика ва бокс бўйича қизғин учрашувлар давом этарди...

Бокс зали машқ қилаётган спортчилар билан тўла. Уларнинг бири гимнастика машқларини бажарса, иккинчиси «одам қоп»ни тезлик билан, тинимсиз муштлар. Баъзилари эса «жанг» вақтида тик эгилиб, ярим эшилган ҳолда туриш каби бокснинг элементар машқларини ўрганар эдилар.

Паст бўйли, кўкрак ва қўлларида мускуллар ўйнаб турган йигит эса гоҳ у спортчининг олдига бориб, гоҳ бошқа бирининг олдига келиб йўл-йўриқ кўрсатар, маслаҳатлар берарди.

Ҳа, «Спартак» спорт жамиятининг бокс секциясида биринчи разрядли боксчи, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони Хамидулла Ғозиев раҳбарлик қила бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Тўрт йил ичида бу ердан неча ўнлаб маҳоратли боксчилар етишиб чиқди.

«Спартак» жамиятлари республика Марказий Совети биринчилигининг чемпиони Валерий Попов, бир неча бор Марказий Совет чемпиони Равил Давлетшинлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда секциядаги 44 ёш боксчи орасида 13 та ўсмирлар биринчи разрядига эга бўлса, 17 таси ёшлар биринчи разрядига эгадирлар. Икки марта республика чемпиони Илғор Эгамбердиев эса катталар биринчи разряди кавалери.

Н. Абдужабборов, ака-ука Шокир ва Равил Эсонбоев, Б. Ҳикматуллаев, Ф. Сулаймонов каби ёш боксчиларнинг секциядаги кўлгаларига атиги бир-бир ярим йил бўлса-да, тез орада разрядли спортчилар бўлиб етишишди. Албатта, бунга ўзларининг тиришқоқликлари, топшириқларни тўла адо этганликлари, доимо спорт режимига амал қилганликлари натижасида эришдилар.

«Спартак» спорт жамиятининг ёш спортчилари «Чарм қўлқоп» кирғичларини пухта ўзлаштириб, келгусида ўз жамияти шарафини, республика шарафини ҳимоя қиладилар.

Ҳ. ДУСТМУҲАМЕДОВ.



Лагерь қўйни — пионерлар оромгоҳи. Улар бу ерда спортнинг кўп турларн бўйича қизғин курашлар, мусобақалар ўтказишади.

СУРАТДА: икки пионер лагери — «Пионер тонги» билан «Ҳосилот» футбол командалари куч синашмоқда. Бу курашда «тонг»чилар ғолиблик қилишди.

Н. Надеждин фотоси.

ЖОЙИБОТЛАР

ШПРИЦ—ТЎППОНЧА

Диабет билан касал бўлганлар инсулин инъекциясини қилдириш учун тез-тез амбулаторияга бориб турадилар. Будапешт медицина асбоб-ускуналари заводи уй шприцларини ишлаб чиқарди. Бу шприцлар ёрдамида касаллар ўзига ўзи инъекция қилиши мумкин. Дорили капсулалар илгаридан тўл дирилган бўлади.

Шприц инаси тери ичига «отувчи» пружина билан таъминланган. Эҳтиёт инналар ифлосланишдан сақлаб турувчи ўрамларда сотилади.

(ВЕНГРИЯ).

КИМЁГАРЛАР ТАКЛИФИ

Кимёгарлар йўллар ивиб кетганда, музлаганда ғилдиракларга занжир ўрамаслик учун янги қулайроқ ва ишончлироқ восита — полимер елим эритмаси билан тўлдирилган аэрозоль пульверизаторни тақдим этдилар. Унинг қопқогини босса бас, қўпирган эритма ғилдиракни ичқа қават билан қоплайди. Елим тез қотиб, ғилдиракларнинг йўл билан ишқаланиш майдонини оширувчи мустаҳкам пуфакчалар ҳосил қилади. Елим қуруқ ҳавода, асфальтда астасекин ейдирилади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

НИКОЛАЙ НИКИТИН

Кўкон вокзали

РОМАН

Новча ва савлатлиси кўлоб га йиқилиб тушди. Бу Қўқон муҳториятчиларининг бошлиги Мустафо Мамедов эди. Денис Макарович уни танди. Иккинчи ҳарбий Мустафони кўтариб, ўриндан турғиза бошлади.

— Иккинчиси ким?— сўради извошчидан Аввакумов.

—Полковник Чанишев,— деди кўркиб ўтакаси ёрилай деган Юсуф.

Узун, кенг кўча бирдан жимиб қолди. Пойдевори баланд, ойналари кенг, тунука томли, деворлари худди кеча оқлангандай оппоқ бир ёки икки қаватли гиштин уйларнинг атрофини ҳовлилаб қолган жонсиз боғлар ўраб олган. Бу уйларда руслар — оқ подшо мансабдорлари, йирик савдо фирмаларининг агентлари ва Бухоро яҳудийси Вадьяевнинг заводларида ишловчи мутахассислар яшарди. Ҳамма уйларнинг оққа бўялган дераза эшиклари зич беркитиб қўйилган эди.

Извош боғлар ёнидан гизиллаб ўтиб кетди. Аввакумов извошчига Розенбах кўчасига бур, деб буюрди.

Ҳамма ёқ сув сепгандай жим. Аҳолн барча эшиклар, деразаларни маҳкам беркитиб, яширинib олган. Ондасонда битта-яримта ўзбек дарвозадан чиқиб, шарқ томонга бир назар ташлайдида, яна ичкарига кириб кетади.

Розенбах ва Скобелев кўчаларн бурчагида — бириси кул ранг, иккинчиси кўк паранжи ёпинган икки хотин турарди. Юзларида чаквон. Улар Мамедов извошини кўришлари биланоқ дарров ариқдан сакраб ўтиб, экипаж томонга юришди. «Соқчи!» —ўйлади Аввакумов ва извошчининг биқинига туртди.

— Вокзалга бур! Тез!

Извошчи дарров извошни бурди, извош чоп томонга қийшайиб кетди-ю, аммо шу заҳотиёқ, тикланди-да, ҳалиги икки хотиннинг шундайгина ёнидан гизиллаб ўтиб кетди, оз бўлмаса, улар ғилдирак остига қолар эдилар. Хотинлардан бири паранжисн ва қўйлагини қўтариб ўзини орқага олди. Извошчи ва Аввакумов паранжилик кишининг офицерча ҳарбий зангори шимини махсинининг қўнжига тиқиб олганини кўриб қолишди.

Скобелев кўчасига етганда йигитча орқасига қаради. Хотинлар ҳамон уларнинг кетидан қараб туришарди. Бола дўпписини тўғрилаб олди-да, отнинг юганини қаттиқ тортди ва Аввакумовга бурилиб имо қилди:

— Кўрдингизми, хўжайин?

— Нимани?

— Анаву хотинчани? Солдат — хотинчами? — деб кулди бола тилини чўлиллатиб. — Сарбоз-ку!

11

Вокзал олдидаги майдон бўм-бўш. Аввакумов извошдан тушдида, югуриб гишт зинага чиқди. Эшиклар ланг очилди. Темир йўлчилар ва улар олдида ҳали ёш, чорнахилдан келган очиқ юз телефончи Муратов турарди. У Аввакумовни кўриб, қувонганидан сариқ хошиялик қора шапкасини осмонга отди. Елкасидаги стволи пастга қараб осилган милтиқ сонига урилар, камзулининг ўққа лиқ тўла чўнтаклари кичкина ҳурикуннинг икки кўзига ўхшаб осилиб турарди.

(Давоми. Бошн газетанинг 178, 179, 180, 181-сонларида.)

Муратов Аввакумовни югуриб бориб қарши олди.

— Денис, тезда идорага кир! Ишимиз чатоқ! Бизникилар ҳаммаси ўша ерда. Сен ким билан келдинг? — сўради у. — Ажабо Агния Ивановна биланми, ростан-а? Ўҳў, ростдан экан-а! Йигитлар! — деб қичқирди у темир йўлчиларга. — Макарич онаси билан кепти.

Кампир гурур-ла извошда ўтирарди. Агния Ивановна ўзи тўғрисида гап бораётганини эшитиб жилмайди-да, шол рўмолини яхшилаб ўраб олди.

— Жуда соз бўпти-да, аяжон! Яшанг, аяжон, ҳечам кўрқмабсиз, яшанг! — деди Муратов ҳануз ташвиш-тарудудда ҳаяжонланиб. — Қани, марҳамат! Келганингиз жуда соз бўлди-да!

Агния Ивановна шоён диққат-эътибор-ла майдонга назар ташлади. У гўё кимнидир ахтараётгандай аланглади.

— Хотинларингиз қаерда? деб сўради Муратовдан.

— Уйда.

— Уйда? — таажжубланди у. — Шундай кунларда?

Кампир бу сўзларни норизолик, ҳатто жаҳл билан айтди ва извошдан тушди.

12

Телеграф аппаратлари чурқ этмасди. Станциянинг ҳамма ёғида — конторларда, йўлларда, омборларда ва тош майдонда айрим маҳаллий заводларнинг ишчилари ва темир йўлчилар тўп-тўп бўлиб туришарди. Уларнинг барчасини Аввакумов буфет қошидаги хонага чақиртирди. Хона лиқ тўлди.

— Бундоқ санасанг... бармоқ билан санагудек одамимиз бор, — деди Аввакумов ва тўпланганларга бир қараб: — Хўш, душман билан жанг қилаверамизми? — деб илова қилди аста.

— Жанг қиламиз, Макарич! Иложимиз қанча? Ёки бурқўй жаллодларга калламизни тутиб бера қолайликми? Худо халлоқ! Шояд енгиб чиқсак! — дейишди ҳар томондан темир йўлчилар.

— Йигитлар, ичингизда шубҳаланувчи бўлса, яхшиси ҳозироқ жўнаб қолсин! Ёрдам келиши қийин, — деди Аввакумов жўрттага товушини кўтариб. Унинг нафаси бўғилди. Калта пўстинини ечиб ташлади-да, сўради: — ўзбек агитаторлардан ҳеч ким борми?

—Бор, бор! — деди бир неча овоз.

— Оз! — деди қайгули оҳангда Аввакумов. — Ҳа, майли! Оз бўлса-да соз! Йигитлар, сиз эски шаҳарга борасиз. У ерда меҳнаткашларга, биз ҳуруж қилаётганимиз йўқ, мухториятчилар ҳуруж қилишяпти, улар шу кечаси бизга ҳужум қилишди деб айтинг. Меҳнаткаш ўзбекларга тушунтиринг, рус подшосининг амалдорлари ва офицерлари ҳам ўзбек буржуазияси билан биргалашиб совет ҳокимиятига қарши курашмоқда. Уларнинг душманлари ана шулар! Камбағалларга, уларнинг ҳаммасини бугун қалъамизга чақиражагимизни айтинг!

— Гапимизга қулоқ солишмас! Домлалар халқни чалғитяпти... Худонинг газабига учрайсан, — деб қўрқитяпти, — дейишди ўзбеклар.

— Қўрқитса, қўрқитаверсин! Сиз, бунга қарамай, тушунтиринг!— деди ўз фикрида қаттиқ туриб Аввакумов. — яна шуни ҳам тайинлангки, бугун қалъада бонг урилган заҳоти биз томонга келишаверсин.

— Қалъада аҳвол чатоққа ўхшайди.... — деди Муратов Денис Макаровичнинг сўзини бўлиб.

— Хўш, нима бўпти? — Аввакумовнинг дарҳол ранги ўчди, ҳорғин қора кўзларида ташвиш аломати пайдо бўлди.

— Нима бўлганини мен аниқ билмайман,— жавоб қилди телеграфчи. — Бу ерда бир ўзбек бор... Шу айтиб берди.::

— Қани ўша ўзбек? —деди Денис Макарович бир зумда тер босган юзларини артиб.

—Ортиқматов!— деб қичқирди тўда ичидан кимдир. — Шу ердамисан?

— Шу ерда!

Аввакумов олди кандигача очиқ яктак, йиртиқ этик кийган ориқ, рангпар кишига назар ташлади-да, ишончирамай бошини чайқади. Аввакумовнинг назарида бу одам айтоқчига ўхшаб кўринади. Унинг уваданси чиқиб кетган чопони йўртага бурда-бурда қилиб йиртилганга ўхшарди.

— Қалъада қандай чатоқлик юз беришти?.- Ўзинг қалдансан? — сўради у Ортиқматовдан.

Қашшоқ бидирлаб ўзбекча гапира кетди. Аввакумов таржимадан шуни тушундики, комендант Зайченко қалъага мухториятчилар томонидан юборилган муҳим вакили отиб ташлапти. Бу ҳақда Эски шаҳарда офицерлар роса жар солишяпганмиш.

— Папирос беринг! —деди Аввакумов «Эҳе-ҳе, ҳали аҳвол шундоғ денг! Нима ҳам дердик, шундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасди.. Бир минутни ҳам қўлдан бой бермаслик керак. Демак игвогарликка ўтишибди да...» — деб ўйлади Аввакумов. У Муратовни олиб югуриб майдонга чиқди.

Юсуф Аввакумовни кўриб, извошни келтирди.

— Мана бу соз. Ким бўни бу ерда ушлаб қолди?— деб сўради Муратов.

Юсуф фахр билан:

— Ким ушлаб қоларди? Ўзим қолдим, — деди.

— Ўзим? Буни қаранг-а! Дуруст-дуруст!

Денис Макарович Муратовни итариб извошга ўтқизди. Ўзи ҳам ўрнашиб олиб, Юсуфнинг елкасига туртди ва қалъа томонга ўқдай уч деб буюрди.

Бола қулиб юборди ва отларга қарата овозини жаранглатиб қичқирди:

—Чуу!!

Тақаларнинг овози совуқ ҳавода қаттиқ жаранглаб кетди.

13

Мустафо Мамедовнинг боғ ҳовлиси атрофида қари дарахтлар — улкан қайрагочлар, чинорлар ва қумуш ранг тераклар кўкка бўй чўзган. Ёз пайтида ҳовли ёни ҳамиша соя-салқин бўлиб, гир-гир шамол эсиб туради. Ҳозир эса ҳамма ёқ ҳувиллаб қолган. Барги тўкилган ялангоч дўлана дарахтлари йўлнинг икки четида девордек зич тизилиб турибди. Токлэр похол билан ёпиб қўйилган.

Кул ранг юмалоқ фонтан қор остида қолиб кетибди. Дарвоза томонга борадиган извош йўлида кимлардир тинмай қатнамоқда. Улар янги-янги хабарлар келтириб, янги-янги топшириқлар олиб қайтишяпти. Қоровулхона олдида отини тусинга боғлаб соқчи турипти.

Бу ерда — соқчилар ва шаҳарлардан келган чопарлардан айрим тўда ташкил топибди. Одамлар ҳалиҳанда. Ҳамма шаҳарни қандайдир қўзғолончилар босиб олган эмиш, мабодо, Мамедовнинг кучи етмагундек бўлса, бошқа кучи етадиганлар бор эмиш, дейишарди.

(Давоми бор).

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

6 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Пропагандист минбари». «Пропаганда қилишнинг формаларини такомиллаштирайлик» деган суҳбат. 18,10 В. Кожевниковнинг тўртинчи симфонияси. 18,40 Спорт эшиттириши (русча). 19,20 Қозоқ куйлари. 20,00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20,30 Саноат ходимлари учун концерт. 21,00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21,10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 Тожик куйлари. 22,40 «Шеърият кечаси» (ўзбекча). 23,15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 В. Мейек «Самарқанд» сюитаси; 19,30 «Звезда Востока» журнали саҳифаларида» (русча). 20,00 Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). 20,30 Корейс куйлари. 21,00 Қардош халқлар адабиёти. Қирғиз ёзувчиларининг ҳикоялари (ўзбекча). 21,40 Москва.

7 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6,15 Тонгги концерт. 7,40 «Ялла» концерти. 7,55 «Саломатлик —туман бойлик» (ўзбекча). 8,25 Халқ талантлари концерти. 9,30 Х. Аҳмедов. Сюита. 10,30 С. Василенко. «Оқбилак» деган концерт-очерк. 11,30 «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров куйлайди» деган концерт-очерк. 13,30 Енгил оркестр куйлари. 15,15 Маданият радиоуниверситети (ўзбекча). 15,30 Концерт. 16,10 Белоруссия бадиий коллективларининг концерти. 16,50 «Правда» газетасининг обзори. 17,00 Симфоник куйлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Дўстлик трассаси» деган эшиттириш (ўзбекча). 18,10 Ализода Акшин. Камер симфонияси. 19,20 «Янги ёзувлар». Бошқирдистон филармониясининг солисти Гумор Абдулманов концерти. 20,00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20,40 Меҳнат ҳақида қўшиқлар (ўзбекча). 21,00 «Демократия учун кураш —социализм учун курашнинг узвий қисми» деган суҳбат (ўзбекча). 21,10 Пахтакорлар учун концерт. 22,20 Дутор тароналари. 22,40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). 23,15 Мақом кечаси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

8,25 Рус композиторлари балетларидан парчалар.

19,00 Ёшлар ижоди. 19,30 Эстрада усталарининг концерти (русча). 20,00 Тожик халқ қўшиқлари. 20,30 Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари. 21,00 «Асрлар орзуси» деган радиокомпозиция (ўзбекча). 21,40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13,00 Театр микрофон олдида. Ҳамза номли театрнинг «Фурқат» спектаклининг монтажи. 14,30 А. Богатирев. «Полесье ертарида» операси. 16,00 Оркестр куйлари.

ТЕЛЕВИЗОР

6 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. 18,35 Ўзбек ва рус тилларида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 19,00 Халқ талантлари. О. Мавлонова, У. Султонов ижросида концерт. Эшиттириш Самарқанддан олиб кўрсатилади.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Болалар ва катталар учун. «Мўжизалар ўлкаси». 21,00 Қардош армияларнинг иккинчи ёзги спартакиадаси. Енгил атлетика. 22,00 «Вақт» информацион программаси. 22,30 Рангли телевидение программаси 00,15 Э. Хемингуэй «Қотиллар». Телеспектакль премьераси. 01,00 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13,00 Янгиликлар. 13,15 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Колокольчик» театри. 13,45 Г. Успенский. «Растеряев кўчасининг одатлари». Телевизион спектакль (1-қисм). 15,15 «Сенга, ёшлик!». 15,45 Москва кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18,35 Болалар учун. Адабий топишмоқ».

Рус тилида: 19,00 Болалар учун «Сеҳрли тухум». Қўғирчоқ фильм. 19,25 «Бу оқшом» Фильм-концерт.

Ўзбек тилида: 20,00 Муқимий номидаги давлат музикали драма театрининг «Икки билагузук» спектакли олиб кўрсатилади. Таназзул вақтида «Зангори кема» яратувчилари деган эшиттириш ва реклама.

7 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18,35 Телевизион янгиликлар. 18,50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Қишлоқ ёшлари клуби. 19,30 «Бугун янги томоша» Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21,05 Телевизион янгиликлар. 21,20 «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 22,10 «Самарқанд юлдузлари». Эшиттириш Самарқанддан олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18,00 «Космос қаҳрамонларига шон-шарафлар!». Телефильм. 18,20 «Авария». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 «Салом, Спартакиада!». СССР касаба союзлари Бутуниттифоқ 9-ёзги спартакиадаси олдидан. 20,30 Беш йиллик йўлларидан. 21,00 Рангли телевидение программаси. 22,00 «Вақт» информацион программаси 22,30 Қардош армиялар ёзги иккинчи спартакиадаси. Бокс бўйича финал ўйинлари. 01,45 Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20,00 «Кунгур муз ғори». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 20,20 «Джаз ритмида». Концерт. 20,50 «Грузия куйимлари». Илмий-оммабоп фильм. 21,00 «Қаҳрабо маржон». Телеспектакль.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7|VIII да Фарғона тонг отгунча, 8|VIII да Жон қизлар.

Кино

6 АВГУСТДА

Берлин томон йўл— «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Даҳийлар — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч 6 ва 8 да).

Тайга ҳўжайини — «ЧАПКА» (кечқурун) САНЪАТ САРОЙИ (кеч 9 яримда).

Юлдузсиз сельва — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Райк болалари —САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6,30 минутда).

7 АВГУСТДА

Берлин томон йўл — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тайга ҳўжайини — «ЧАПКА», (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва кеч 9 яримда).

Жижканинг жанговор араваси (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва 4 да), Даҳийлар (кундуз 2, кеч 6 ва 8 да)— «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Ганга ва Жамна — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Юлдузсиз сельва — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Райк болалари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3,15 минут ва кеч 6 яримда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Профессионал-техника таълими Давлат комитети
ТОШКЕНТ 11-ПРОФЕССИОНАЛЬ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қўйидаги касблар бўйича
1969-70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

саноат ускуналарини ремонт қилиш, иккиламчи коммутация, станция, подстанция ва тармоқлар бўйича электр монтёрлар, электрослесарлар, сантехник-слесарлар, мастерлар ёрдамчиси (ўриш машиналари ва бошқалар), **мастерлар ёрдамчиси** (тўқувчилик дастгоҳлари).

14 дан 17 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: 10-синфни тугатганлар учун — 1 йил, 8-синфни битирганлар учун — 2 йил. Қабул қилинган ўқувчилар кунига уч марта иссиқ овқат, уст-бош, ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юрти тўқимачилик саноати учун юқори малакали мутахассислар ва электр монтажчилар тайёрлаб чиқаради. Билим юрти қошида кечки техникум ишлайди.

Билим юртида ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, мактабдан характеристика, олтита фото сурат (3х4) топширилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 8-уй, Телефон 5-06-80.



Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 6 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташгоркома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия советва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579
НАШР 2817
Р. 04563.